

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI  
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ



МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИ  
ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ

*ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА*



ТОШКЕНТ 2023

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти  
Илмий кенгашида маъқулланган.*

**ББК 67071**

***Масъул муҳаррир:***

Юридик фанлар доктори, профессор **И. Исмоилов**

***Муаллиф:***

ИИВ Малака ошириш институти Махсус касбий фанлар кафедраси  
катта ўқитувчиси, подполковник **Ф.Ш. Хидиров**

***Тақризчилар:***

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД Хуқуқбузарликлар профилактикаси  
хизмати бўлим бошлиғи подполковник **Б.М. Султонов;**

ИИВ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси ю.ф.б.д. (PhD), доцент,  
**Э.Х. Норбўтаев**

ИИВ МОИ Махсус касбий фанлар кафедраси юридик фанлар номзоди, доцент  
**Ж.С. Мухторов**

X-42 Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятининг ҳуқуқий асослари:  
Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш  
институти, 2023. – 52 б.

Қўлланмада Ички ишлар органлари Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, масканнинг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари, унда юритиладиган ҳужжатлар, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида ишни ташкил этиш йўналишлари ва тартиби, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг жихозланиш тартиби, “Smart маҳалла” дастурининг моҳияти, профилактика инспекторининг ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ва бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлиги бўйича фаолияти ёритилган.

Ўқув қўлланма ИИВ олий таълим муассасалари тингловчи ва курсантларига, ички ишлар органларининг амалиёт ходимлари ва барча кизиқувчиларга мўлжалланган.

**УДК 342.922**

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023

## СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилмоқда. Бунда, ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда жамоат тартиби сақланишини, фуқаролар хавфсизлигини, жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлайдиган профилактика инспекторларининг ўрни катта. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятни йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш устувор аҳамият касб этади.

2021 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонда ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилиши белгиланди. Таъкидлаш жоизки, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қўйи бўғини ҳисобланади.

Маскан негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилди. Шунингдек, маскан томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланди.

Тизимга рақамли технологияларни қўллаш ва аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида, профилактика инспекторларига масофадан туриб мурожаат қилиш ва уни қўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш имконини берувчи “Smart маҳалла” дастури ишлаб чиқилди ва бу давом этмоқда. Амалга оширилаётган ишлардан келиб чиқиб, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича белгиланган вазифаларни сифатли бажаришда барча ички ишлар органлари ходимлари иштироки ҳамда фаоллиги

муҳим албатда. Бу йўналишда фаолиятни олиб бориш ва белгиланган чоратadbирларни ижросини таъминлашда Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг ўрни катта. Шундан келиб чиқиб Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини, унинг ҳуқуқий асосларини, вазифалари билан боғлиқ билимларни, кўникмаларни ички ишлар органларининг барча ходимлари билишлари керак.

Мазкур “Маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани фаолиятининг ҳуқуқий асослари” номли ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институтида ўқитиладиган ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактика хизмати йўналишида таълим оладиган тингловчилар учун “Соҳавий йўналиши бўйича” фанининг ўқув дастури асосида ишлаб чиқилди. Мазкур ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимларига профилактик фаолиятини амалга ошириш учун зарур билимларни ўрганиш ва уларни амалиётда самарали қўллашга катта ёрдам бериши шубҳасиз.

## **I боб. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.**

### **1-§. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунлари.**

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳатлар қаторида ҳар бир вилоят, туман ва маҳаллани обод қилиш, ривожлантириш ва фуқароларини яшаш шароитини яхшилашга қаратилган. Бугунги кунда вилоят ва шаҳарларда, туман ва маҳаллаларда мавжуд шароитни янада яхшилашга қаратилган эзгу ишлар босқичма-босқич режа асосида амалга оширилмоқда. Республикамизда 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра **9 168 та** фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларнинг 8 877 таси — маҳалла фуқаролар йиғини, 161 таси — овул фуқаролар йиғини, 89 таси — қишлоқ фуқаролар йиғини, 41 таси — шаҳар фуқаролар йиғинидан иборат. Мазкур фуқаролар йиғинларининг 10 таси — жамоатчилик асосидаги, 11 таси — ҳарбий шаҳарчаларда жойлашган фуқаролар йиғинлари ҳисобланади. Энг кўп — 1000 дан ошқ маҳаллага эга ҳудуд сифатида Самарқанд вилояти кўрсатишимиз мумкин.

Бу вилоятда ҳозирги вақтда 1100 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлса, Тошкент вилояти 1048 та, Фарғона вилояти 1041 та маҳалла билан кейинги ўринларни банд қилган. Фуқаролар йиғинларининг географик жойлашувига тўхталадиган бўлсак, республикамиздаги 1830 та маҳалла фуқаролар йиғини — шаҳарларда, 1 205 таси — туман марказларида жойлашган. Туман марказигача 30 км бўлган масофада жойлашган маҳаллалар сони — 4 839 тани, туман марказидан 30 км ва ундан олис масофада, тоғли ва чўл ҳудудларда жойлашган фуқаролар йиғинлари сони — 720 тани ва чегара ҳудудларда жойлашган фуқаролар йиғини сони эса 574 тани ташкил этади.



**Маҳаллада ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар куйидагилар:**

1

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – 2023.

2

- Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 371-сонли қонуни

3

- Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 407-сонли қонуни

4

- Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрь, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонун» 913-ХП-сон

5

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сонли

6

- Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 июндаги «Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 343-сонли қарори

7

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191-сонли буйруғи

8

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сонли буйруғи

9

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 16 майдаги «Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 166-сонли буйруғи

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барча фаолиятнинг ҳуқуқий негизи, асоси сифатида келтиришдан сабаб республикасида барча қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар асосий қонунимиз асосида қабул қилинган ва чиқарилган. Жумладан: Маҳаллада ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти билан алоқадор сифатида **Конституциянинг XXI боб** Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари ва ушбу бобнинг **105-моддасида** Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар раисни (оқсоқолни) сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан тартибга солиниши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**»ги **371-сонли қонуни** республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолиятида асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу қонуннинг айнан 2-боб. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари белгилаб берилган. Унга қўра Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини олиб боришга, қуйидаги органлар ҳамда муассасаларга ваколатлар берилган:



***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:***

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали ишлаб туришига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

➤ иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир тегишли чора-тадбирларни кўради;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

***Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:***

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

➤ аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлашга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

➤ тегишли ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.







## Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар қуйидагилар:



### **Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:**

- хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- хуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- мамлакатдаги, айрим минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги криминоген вазиятни ўрганади, мавжуд кучлар ва воситалардан хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлиги таҳлилини амалга оширади;
- хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

➤ ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;

➤ ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширади;

➤ фаолияти тақиқланган ташкилотларга ва диний-экстремистик йўналишдаги гуруҳларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлайди, уларга нисбатан чора-тадбирлар кўради;

➤ паспорт-виза режимига, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини сақлаш қоидалари ҳамда тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди;

➤ жиноятларни фош этишда ва терговга, судга келишдан бўйин товлаётган шахслар ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар қидирувида иштирок этади;

➤ ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Ички ишлар органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.



**Прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:**

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади,

тасдиқлайди ва амалга оширади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, шу жумладан солиқ, валютага оид ҳуқуқбузарликлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

➤ аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятда иштирок этади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Прокуратура органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**Ички ишлар органлари тўғрисидаги 407-сонли қонуннинг 2-боби Ички ишлар органлари. Ушбу бобда айнан 13-15<sup>1</sup>-моддаларида маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани бўйича қондалар ва фаолиятга оид талаблар белгилаб берилган.**

Ички ишлар органларининг тизими Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари (бўлимлари), жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг ўта муҳим ва тоифаланган объектлардаги бўлинмалари, шаҳарча ички ишлар бўлинмалари, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ҳамда ички ишлар органларининг таянч пунктлари, шунингдек таълим ва тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинмалар ва ташкилотлардан иборатдир.

Ички ишлар органлари тизимига ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари учун қонунчиликда белгиланган

тартибда ҳуқуқлар ва имтиёзлардан фойдаланадиган қоровул қўшинлари ҳамда халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлар ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўз мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркибига киради. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига, қонунчиликка мувофиқ айрим масалалар бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди. 13<sup>1</sup>-модда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдорлиги белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаларининг, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида, уларнинг ўринбосарлари — Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари жамоат хавфсизлиги ҳақида ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳар чоракда, уларнинг ўринбосарлари — Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари жамоат хавфсизлиги ҳақида ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг профилактика катта инспекторлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати тўғрисида ҳар олти ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга тегишли ҳудудда жойлашган бошқа давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг, сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.

Юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чоратадбирлар ва ишларнинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш чоғида танқидий жиҳатдан муҳокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига шахсан баҳо берилади, шунингдек эгаллаб турган лавозимига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида тавсиялар қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти

томонидан лавозимига тасдиқланади ва лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод этилади. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари бошлиқларининг, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг тақдимномалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

**Ички ишлар органларининг таянч пунктлари қонуннинг 15-моддасида белгиланган бўлса, 15<sup>1</sup>-моддасида эса Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти белгиланган.**

15<sup>1</sup>-модда. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ички ишлар органларининг фаолиятини бевосита маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича, шунингдек фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг ҳамкорликда ишлашни маҳаллалар кесимида ташкил этиш бўйича амалга оширадиган таркибий тузилмаси ҳисобланади.

*Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ўз фаолиятини қуйидаги таркибда амалга оширади:*

➤ профилактика катта инспектори, профилактика инспектори, профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси (ҳар кунлик асосда);

➤ мазкур ҳудудда хизматни ўташ учун бириктирилган туман (шаҳар) ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, пробация бўлинмаси инспектори, тезкор вакил, патруль-пост хизмати ходимлари;

➤ жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қўмаклашиш учун юборилган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия бўлинмасининг ва бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари, шунингдек жамоат тузилмаларининг вакиллари.



**2-§. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини тартибга солувчи Президент фармонлари ва қарорлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сонли фармони билан профилактика инспекторлари фаолиятидаги айрим вазифалар қисқартирилди.

Жумладан 1б-илоvasи билан профилактика (катта) инспекторларига

юклатилган, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини такрорловчи, ортиқча ва хос бўлмаган қисқартирилаётган вазифа ҳамда функциялар рўйхати кўрсатилган. Улар куйидагилар:

1. Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларини хатловдан ўтказиш, уларда йил давомида экиладиган экин турлари ва етиштириладиган маҳсулот ҳажмларини аниқлаш, шу масалалар бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш.

2. Туман ҳокимининг қарорига мувофиқ ташкил этилган томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳда иштирок этиш ва белгиланган вазифаларни бажариш.

3. «Ҳаж» тадбирига боришга номзодларни маҳалла фуқаролар йиғини миқёсида саралаб олиш учун тузилган ишчи гуруҳ таркибида фаолият юритиш ҳамда фуқаронинг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига бориш учун навбатини белгиланган тартибда бекор қилишда иштирок этиш.

4. Фуқароларнинг мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомобилотранспорт воситалари инвентаризацияси жараёни бўйича тузилган ишчи гуруҳга раҳбарлик қилиш.

5. Ҳуқуқбузарликлар оқибатида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ихтисослаштирилган муассасалар тузиш.

6. Идоравий кўриқлаш бўлинмаларининг назорат текширувида иштирок этиш.

7. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотишни расмийлаштириш масалалари юзасидан шахснинг турган жойи ҳақида маълумот бўлмаган тақдирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки унинг яқин қариндошларини хабардор қилиш чораларини кўриш.

8. Фуқаролар томонидан ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ўз ихтиёри билан топширилиши ва уларни қабул қилиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни амалга ошириш.

9. Фуқаролар йиғинларининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиялар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

10. Тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ва аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга йўналтирилган чораларни амалга ошириш.

11. Қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус муассаса ҳудудидан четга чиққан маъмурий қамоққа олинган шахсларни назорат қилиш.

12. Отиш зонасида жойлашган аҳолини, ташкилотлар ва бошқа объектларнинг масъул вакилларини ҳайвонларни отиб ташлаш тадбирлари ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш, ҳайвонларни отиб ташлашга




тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш, белгиланган хавfli зоналарга фуқаролар ва транспорт воситаларини киритмаслик чораларини кўриш.

13. Отиб ташлаш ишлари бошланишидан олдин бригада бошлиғи билан биргаликда мажбурий тартибда бригада аъзолари соғлиғининг ҳолатини, қуроолларнинг рухсат берувчи ҳужжатлари мавжудлигини, ўқотар ов қуролининг ва унга ўқ-дориларнинг техник ҳолатини текшириш ишларини олиб бориш, шунингдек, бригада аъзоларининг аниқ вазифаларини белгилаш.



**3-§. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 июндаги «Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 343-сонли қарорининг 1-илоvasида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг ҳамкорлик чизмаси белгилаб берилган.**

**Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тузилмаси**





## Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАСИ

1. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ўзи жойлашган фуқаролар йиғинидаги ички ишлар органлари таянч пункти ёхуд камида етти хонадан иборат алоҳида бинода ташкил этилади.

2. Масканда қуйидаги хизмат ва ёрдамчи хоналар бўлиши талаб этилади:

а) масканга киришда унинг фойе (камида тўрт кишига мўлжалланган, диван ёки стуллар билан жиҳозланган кутиш жойи) қисми;

б) онлайн суд мажлислари ўтказиладиган хона (камида саккиз киши учун стул, видеоконференцалоқа сеансини ўтказиш учун мўлжалланган қурилмалар билан таъминланган бўлиши лозим);

в) профилактика (катта) инспектори хизмат хонаси (тезкор йиғилиш ўтказиш учун камида олти кишилик стол ва стуллар билан жиҳозланган, шунингдек, профилактик тадбирларни ўтказиш учун келган шахсларга мўлжалланган камида тўртга стул, хизмат столи, бир дона кресло ҳамда диван, ҳужжатлар ва кийим шкафлари ҳамда сейф билан жиҳозланган бўлиши лозим);

г) хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор ҳамда вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог хизмат хонаси (профилактик тадбирларни ўтказиш учун келган шахсларга мўлжалланган камида тўртга стул, хизмат столи, бир дона кресло ва диван, ҳужжатлар сақланадиган жавон билан жиҳозланган бўлиши лозим);

д) ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимлари томонидан олиб келинган шахсларга нисбатан терговга қадар текширувни амалга ошириш учун мўлжалланган тезкор вакил ва суриштирувчи хонаси (терговга қадар

текширувларни ўтказиш учун келган шахсларга мўлжалланган камида тўртта стул, иккитадан хизмат столи ва кресло, ҳужжатлар сақланадиган жавон билан жиҳозланган бўлиши лозим);

е) пробация инспектори ҳамда профилактика (катта) инспекторининг ёрдамчиси хизмат хонаси (белгиланган тадбирларни ўтказиш мақсадида чақиртирилган шахсларга мўлжалланган тўртта стул, иккитадан хизмат столи ва кресло, ҳужжатлар сақланадиган жавон билан жиҳозланган бўлиши лозим);

ж) дам олиш хонаси (камида тўрт кишига мўлжалланган диван ва овқатланиш учун стол ҳамда стуллардан иборат бўлган, телевизор, совиткич, микротўлқинли печь билан таъминланган бўлиши лозим) ҳамда ҳожатхона.



3. Маскан замонавий компьютар тўплами, мебель жиҳозлари (телевизор, диван, стол-стул, китоб жавони, ҳужжатлар сақланадиган жавон) ва темир сейфлар билан жиҳозланган, шунингдек, телефон алоқаси ва Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган ҳамда тегишли алоқа воситалари билан таъминланган бўлиши шарт.

4. Маскан хизмат кўрсатадиган ҳудуднинг чегаралари туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиғи томонидан мазкур туман (шаҳар) ҳокими билан келишган ҳолда чегара ҳудуди узвий бир-бири билан боғлиқ бўлган бешта маҳалла (қишлоқ, овул)нинг ҳудуди миқёсида белгиланиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарори билан тасдиқланади ҳамда уларнинг тартиб рақами мазкур қарор билан белгиланади.

5. Масканда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари томонидан бириктирилган ходимлар белгиланган тартибда хизмат олиб боради. Ҳудудда хизмат олиб боришга бириктирилган ходимлар белгиланган тартибда масканда юритиладиган дафтарда қайддан ўтади.

6. Масканнинг кириш жойида ушбу намунавий лойиҳага мувофиқ туман (шаҳар) бўйича бир хил намунадаги баландлиги 80 см, эни 60 см ўлчамда, тўқ кўк фонга оқ рангда ёзилган пешлавҳа ўрнатилади.

7. Пешлавҳада ички ишлар органи номи, маскан рақами, хизмат кўрсатадиган маҳалла (қишлоқ, овул)лар номлари, профилактика (катта) инспекторлари ва ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисми телефонларини акс эттирувчи ёзув бўлади.

8. Маскан фойесида фуқаролар учун ариза, шикоят ва таклифлар ёзиш намуналари, профилактика (катта) инспекторларининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари нормаларидан кўчирмалар, давлат рамзларига, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид плакатлар ва эслатмалар жойлаштирилади.

9. Масканда профилактика инспекторининг хизмат хонаси деворига маъмурий ҳудуднинг 130 см х 200 см ўлчамли харитаси осиб қўйилади.

Ушбу харитада корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар жойлашган бинолар, шунингдек, кўчалар, мавзелар, бозорлар, интернет-кафелар, умумий овқатланиш шохобчалари, тунги кўнгилочар (дам олиш) жойлар, таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасалари, оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлар, турар жой бинолари рақамлари махсус белгилар билан акс эттирилади. Хаританинг пастки қисмида ташкилотлар номи кўрсатилади.



10. Маскан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда алоқа воситалари, видеокузатув камералари учун монитор, Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор ҳисоб маълумотлар маркази билан бевосита алоқа қилиш имконини берадиган маълумотлар базасининг дастурий таъминоти, компьютер техникаси билан таъминланади.



**Давлат хавфсизлик хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:**

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;
- халқаро жинойт ташкилотлар фаолияти тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва таҳлил қилишни, миллий хавфсизликка улардан келиб чиқувчи таҳдид даражасини баҳолашни амалга оширади, тегишли органлар ва муассасаларга зарур ахборотни тақдим этади;
- тинчлик ва хавфсизликка қарши ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларнинг ҳисобини юритади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Давлат хавфсизлик хизмати органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:**

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;
- кўриқланувчи шахсларнинг манфаатлари, хавфсизлиги ва дахлсизлигига қарши ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларнинг ҳисобини юритади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:**

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.







**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:**

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- мамлакатдаги коррупция ҳолати тизимли таҳлил қилинишини таъминлайди, шунингдек коррупцияга оид хавф-хатарлар энг юқори бўлган соҳаларни, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлайди;
- давлат харидлари ва бюджет маблағларидан, халқаро ташкилотлар ва чет давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилади, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;
- фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотни тарқатиш, шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиради;
- вазирликлар ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **Адлия органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:**

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

➤ аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштириб боради;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Адлия органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **Давлат божхона хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:**

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

➤ божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

➤ божхона тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши, божхона тўловларининг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга оширади;

➤ божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

➤ божхона соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Давлат божхона хизмати органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.



### **Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:**

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

➤ солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

➤ солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

➤ солиқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга оширади;

➤ солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Давлат солиқ хизмати органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## **Меҳнат органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:**

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

➤ меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

➤ аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўради, ишсизларни ҳисобга олишни ва ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

➤ меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Меҳнат органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## **Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:**

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

➤ таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

➤ таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;


➤ таълим олувчиларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришга, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;

➤ таълим олувчилар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

➤ таълим олувчиларнинг бандлигини ва бўш вақти мазмунли

ўтказилишини таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида ҳаммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўғараклар, клублар ташкил этади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.



Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:**

➤ хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

➤ фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

➤ фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

- аҳоли ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатиш бўйича ишларни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этади;
- аҳоли ўртасида мунтазам тиббий текширувларни ташкил этади;
- алкоголизмга, гиёҳвандликка, заҳарвандликка, руҳий касалликларга, ОИВ инфекциясига, таносил касалликларига ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликларга чалинган шахсларни аниқлайди, уларни ҳисобга олиш, текширувдан ўтказиш, шунингдек ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришни амалга оширади;
- ОИВ инфекцияси, алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик тарқалишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни бажариш учун мутахассисларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади;
- одам савдосидан жабрланганларни белгиланган тартибда ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради.
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.



Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ички ишлар органларига:

ижтимоий аҳамиятли касалликлар ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликлар тарқалганлиги ҳақида;

баданига шикаст етган ёхуд беҳуш ҳолатда бўлган шахслар келиб тушганлиги ёки мурожаат этганлиги ҳақида;

одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида;

вояга етмаган шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида;

ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида хабар қилиши шарт.



Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.



**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:**

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

➤ табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

➤ табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

➤ табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.





**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:**

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

➤ ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

➤ ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашда ҳамда бартараф этишда кўмаклашади;

➤ ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни (ёшларни) ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

➤ ёшлар ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятда иштирок этади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.





**Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар:**

➤ қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахсларнинг, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишни таъминлашни;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқирилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этишни;

➤ ваколатли органлар ва муассасаларнинг фаолияти самарадорлигини, яқин ҳамкорлигини ва уюшган ҳолда ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чораларни баҳолашни, мониторинг қилишни ва уларнинг самарадорлигини оширишни;

➤ жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш амалиётини ўрганишни;

➤ жиноятларнинг фош этилишини ҳамда суриштирув, тергов органларидан ва суддан яширинган шахсларнинг қидирувини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув ва профилактика тадбирлари самарадорлигини оширишни;

➤ тизимли камчиликлар юзага келишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашни, таҳлил қилишни ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш йўли билан бартараф этишни;

➤ органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш борасидаги ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш юзасидан чораларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга доир ахборотни тўплашни, сақлашни, уларга ишлов беришни, уларни таҳлил қилишни, шунингдек тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу ахборотдан фойдаланишни амалга оширади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби қонунчиликка мувофиқ белгиланади.





**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноtijорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки:**

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;
- тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга оlinишини ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади;
- рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади;
- ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
- яраштириш комиссиялари ва бошқа комиссияларни тузади;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

➤ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этишимумкин.



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кутариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли фармони.**

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари ишлаб чиқилди.

*Улар қуйидагилар:*

ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

«республика — вилоят — туман — маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

***Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши, шу билан бирга қуйидагилар белгиланди:***

➤ маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуйи бўғини ҳисобланади;

➤ маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилади;

➤ маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

***Куйидаги вазифалар белгилаб берилди:***

❖ Тошкент шаҳар ҳокими билан биргаликда пойтахтда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг фаолиятини янги талабларга кўра намунавий тарзда ташкил этиш;

❖ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда жорий йил якуни бўйича Тошкент шаҳридаги маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятдан келиб чиққан ҳолда республиканинг бошқа ҳудудларида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўриш;

❖ Вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳар ой якуни бўйича аҳолига Интернет тизимидаги ахборот ресурслари орқали ҳудуддаги криминоген вазият юзасидан «профилактик-огоҳлантирувчи мурожаат» қилиб бориш амалиётини жорий этиш;

❖ жойлардаги криминоген ва ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, туман ва шаҳар ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилмаларини шакллантириш ва мунтазам ўзгартириб бориш тартиби жорий этиш;

❖ туман ва шаҳар пробация бўлинмалари тегишинча туман ва шаҳар ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, пробация ҳисобига олинган шахсларни кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик механизмлари белгилаш.

Ушбу фармон билан профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart маҳалла» ахборот дастури ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинди.





# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ



Манба: ПФ-6196-сон, 26.03.2021 й.

@huquqiyaxborot



Ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммолар бевосита жойларнинг ўзида ҳал этилади



Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилади

## 2021 йил 1 июнгача



Тошкент ва Самарқанд вилоятларида профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини қузатиб бориш имконини берувчи "Smart маҳалла" ахборот дастури ишга туширилади

## 2021 йил якунигача



мазкур ахборот дастури республиканинг бошқа ҳудудларида ишга туширилади

## ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТУЗИЛМАСИДА ҚҀИИДАГИЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ:



### Тезкор-қидирув департаменти

Жиноят қидирув бош бошқармаси, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармасини ўз ичига олади



### Транспорт ва туризм объектларида хавфсизлиكنи таъминлаш департаменти

Транспортда хавфсизлиكنи таъминлаш бош бошқармаси ва Хавфсиз туризмини таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармасини ўз ичига олади



### Жамоат хавфсизлиги департаменти

Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йул ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига олади



### Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти

Кадрлар бош бошқармаси, Маънавий-маърифий ишлар бошқармаси, касбий тайергарлик бошқармасини ўз ичига олади



### Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази

(Бош прокуратуранинг Жиноий-ҳуқуқий статистика бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари тугатилди)



### Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази

Жазони ижро этиш бош бошқармаси  
Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги  
Жазони ижро этиш департаменти этиб  
қайта ташкил этилди

Ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмасида ички ишлар органлари бошлиқларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича, пробация ва жазони ижро этиш масалалари бўйича ўринбосари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси (бўлими) бошлиғи лавозимлари тугатилди.




О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

"SMART MAHALLA"  
MOBIL AXBOROT  
TIZIMI

Smart Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши қурашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5050-сонли қарори.





**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**  
**2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон**  
**Қарорининг**



**ТУЗИЛИШИ:**

**1** 14 та банд;

**2** 4 та илова:

-  2.1. 1-илова «Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги низом»;
-  2.2. 2-илова «Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти тўғрисидаги низом»;
-  2.3. 3-илова «Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси»;
-  2.4. 4-илова «Қарорга мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган ҳужжатлар рўйхати».

Ушбу қарорнинг 1-иловаси билан “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Низом 5 боб 15 банддан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон  
Қарорининг 1-бандига мувофиқ,



«Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги низом» тасдикланди;



Қарорга мувофиқ кўйидаги тартиб ўрнатилди:

1.

туман (шаҳар) ҳокимлари ҳар ойда маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспектори билан шахсан учраш ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқланган муаммо масалаларни ҳал этиш чораларини кўради;

2.

ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ҳар ярим йилда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспекторининг ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш аҳволи бўйича ҳисоботини эшитади ва зарур чораларни белгилайди.

Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида  
ташkil этилган  
**Ҳуқуқ-тартибот масканлари**

01

Ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш,  
ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка  
қарши курашишнинг асосий қўйи бўғини

02

Ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли  
соҳавий хизматлари ҳамда Миллий Гвардия ва  
бошқа давлат органларининг  
мувофиқлаштирилган фаолияти

03

ЖХТ, ҲОО ва жиноятчиликка қарши курашиш  
ишларини тизимли ташkil этиш ва  
мувофиқлаштириш вазифаси  
профилактика инспекторларига  
юкланади

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 25 августдаги “Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида” 191-сонли буйруғи.**

Мазкур Йўриқнома ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартибини белгилаб, улар томонидан ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар тизимини амалга оширишни тартибга солади.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар ўрганиш билан боғлиқ маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани фаолият ушбу йўриқномада белгилаб берилган.

**3-§. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини тартибга солувчи Ички ишлар вазирлигининг буйруқлари.**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 151-сонли буйруғи.**

Мазкур Низом ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

**Йўриқноманинг 2-бобида Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:**

➤ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЖХД Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати;

➤ Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари;

➤ ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари;


➤ туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари, бўлинмалари, гуруҳлари;

➤ ички ишлар органларининг қишлоқ, овул ва маҳаллаларда жойлашган маҳалла ҳуқуқ тартибот масканлари ва таянч пунктлари.



## 2-боб. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини ташкил этиш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ҳудудларда самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 16 май куни “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 166-сонли буйруғи имзоланди.



Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги низомда маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашнинг ташкил этиладиган ички ишлар органларининг энг куйи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади. Маскан ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ички ишлар вазирлигининг норматив ҳужжатларига амал қилади.

Масканлар Тошкент шаҳри туманларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шунингдек, йирик туман ва шаҳарларда ташкил этилиши назарда тутилган. Масканлар биноларига куйиладиган талаблар ва уларда фаолиятни олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгилаб берилган.

#### ***Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ўз фаолиятида:***

➤ профилактика катта инспектори, профилактика инспектори, профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси;

➤ ҳудудда хизмат килиш учун бириктирилган туман (шаҳар) ички ишлар органининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, пробақия бўлинмаси инспектори, тезкор вакил, патруль-пост хизмати ходимлари;

➤ ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кумаклашиш учун юборилган Миллий гвардия бўлинмаси, бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари ва жамоат тузилмаларининг вакиллари таркибида амалга оширади.

#### **Масканнинг асосий вазифалари ва функциялари**

Масканнинг асосий вазифаларимаҳаллада (қишлоқда) жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни бевосита амалга ошириш;

#### ***Маскан раҳбари:***

➤ Маскан фаолиятига юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади;

➤ Масканда фаолият кўрсатадиган ходимларга юклатилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилади, ҳудудда патруль йўналишларини белгилайди ва патруллик хизматини ташкил этади;

➤ ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кумаклашиш учун юборилган Миллий гвардия бўлинмаси, бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари ва жамоат тузилмалари вакиллари фаолиятини мувофиқлаштиради;

➤ Масканнинг иш режаларини тасдиқлайди;

➤ вазифаларини сидкидилдан бажариб келаётган профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчисига ички ишлар органларида хизматга белгиланган тартибда қабул қилиш учун тавсиявий тақдимнома киритади;

➤ Масканда самарали фаолият кўрсатадиган ходимларни рағбатлантириш тўғрисида ҳудудий ички ишлар органи раҳбарига тўғридан-тўғри таклиф киритади ва маскан ваколатига қирадиган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Профилактика катта инспектори йўқлигида унинг ваколатлари профилактика инспектори томонидан амалга оширилади. Қонунийликнинг таъминланганлиги, маҳалладаги (қишлоқдаги) криминоген вазиятнинг барқарорлиги ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликда ижобий фикрнинг шаклланганлиги Маскан фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳисобланади.

## **Масканнинг моддий-техник таъминоти**

Маскан учун ер майдони, биноларни ажратиш, куриш, таъмирлаш, капитал таъмирлаш ва мебель билан жихозлаш туман (шахар) хокимликлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, бошқа моддий-техник воситалар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Масканни зарурий техник воситалар, кўргазмали кўлланмалар, хизмат хужжатлари ва автотранспорт воситалари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Иш юритиш ва махфийлик тартиботи бўйича тадбирлар Маскан томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

***Профилактика инспекторларида хизмат фаолиятини амалга ошириш вақтида қуйидагилар бўлиши шарт:***

хизмат гувоҳномаси;

шахсий рақамли махсус жетон;

табель куроли ва иккита ўқдон ўқлари билан;

табель куроли ғилофи, тозалаш мосламаси ва ҳимоя тасмаси билан;

резина таёқ;

электрошокер;

кўл кишани;

алоқа воситаси (телефон, планшет, рация);

хуштак ва фонарь;

хизмат сумкаси;

фаолият натижаларини расмийлаштириш учун зарурий хужжат бланкалари;

тикилган, рақамланган ва ички ишлар органининг канцеляриясидан рўйхатдан ўтказилган иш дафтари;

ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари.

Профилактика инспектори хизмат зарурати бўлган ҳолатларда бошқа махсус ва техник воситаларни амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда олиб юриши ва улардан фойдаланиши мумкин.

Профилактика инспектори хизмат фаолиятини ички ишлар органлари ходимлари учун белгиланган махсус хизмат кийимида олиб боради, алоҳида ҳолларда (тезкор–қидирув ёки махсус тадбирлар ташкил этиш ва ўтказиш даврида) фуқаролик кийимида хизматни ўташи мумкин. Фуқаролик кийимида тадбирни ўтказиши ёки унда иштирок этиши, тадбирнинг мақсади ва шартлари ҳақида билдирги орқали ички ишлар органи раҳбарияти ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати бошлиғига мурожаат қилади ва унинг рухсати билан амалга оширади.

Профилактика инспектори хизмат фаолияти ички ишлар органи ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари бошлиқлари томонидан белгилаб берилади. Профилактика инспектори фаолиятини белгилашда унинг



хизмат ва дам олиш кунлари, меҳнат таътилига чиқиш вақти, шунингдек маъмурий ҳудудда хизмат олиб бориш вақти ва йўриқнома ўтказиладиган жой, ички ишлар органи тезкор навбатчисига алоқага чиқиш вақтлари белгилаб берилади. Кунлик йўриқнома, хизмат йиғилишлари, ўқув ва ўқ отиш машғулотларига қатнашиш вақти ва тартиби ички ишлар органлари бошлиқлари томонидан тасдиқлаб берилади.

Профилактика инспектори маънавият ва маърифат, жисмоний, хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотларида ИИВнинг амалдаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари асосида иштирок этади ва белгиланган тартибда ҳамда муддатларда синовлар топширади.

Олис қишлоқ ва овуллар (ички ишлар органи жойлашган жойдан 20 км. дан ортиқ масофадаги) ва бориш қийин бўлган жойларда хизмат олиб борадиган профилактика инспекторлари жисмоний тайёргарлик машғулотларида белгиланган нормативларни ички ишлар органи бошлиғи рухсати билан ўзи мустақил равишда маъмурий ҳудудда жойлашган спорт майдонларида бажариши ҳамда ИИВнинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари асосида синовлар топшириши мумкин.

Профилактика инспектори маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечиришни ҳар куни амалга оширади, йил давомида барча турар-жойларга камида икки мартаба ташриф буюриши лозим.

Профилактика инспектори ҳуқуқбузарлик содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойлар, интернет кафелар, тунги қўнгил очиш (дам олиш) жойларини ҳамда маъмурий назорат ўрнатилган, профилактик ҳисобга олинган, ов қуролига эга бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар яшайдиган турар-жойларни доимий равишда назорат қилиб боради.

Профилактика инспектори турар-жойларга (хонадон, уй, хона) ва объектларга ташрифи вақтида лавозимини, унвонини, фамилиясини айтган ҳолда ўзини таништиради. Фуқаронинг талаби бўйича хизмат гувоҳномасини очик ҳолда кўрсатади, ташрифининг мақсадини маълум қилади.

Профилактика инспектори хизмат қилаётган ҳудуддаги барча маълумотларга эга бўлиш мақсадида фуқаролар йиғини раиси, диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, посбонлар имкониятидан унумли фойдаланган ҳолда аҳолининг турмуш тарзини ўрганади, тезкор қизиқиш уйғотувчи маълумотлар олинган тақдирда уларни зудлик билан билдирги орқали ИИБ бошлиғига тақдим этиб боради.

Маъмурий ҳудудда ёки унга чегарадош бўлган жойларда ижтмоий-сиёсий вазият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг кучайиши ёки мураккаблашиши ҳолатларида профилактика инспектори зудлик билан ички ишлар органи навбатчилик қисмига ёки ички ишлар органи бошлиғига ахборот беради ҳамда қўшимча кучларга бўлган эҳтиёжни маълум қилади.

Таянч пункти профилактика инспекторлари фаолиятини баҳолаш қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Профилактика инспекторларини бир ҳудудда камида беш йил ишламасдан туриб, бошқа ҳудудга ўтказиш қатъиян тақиқланади (юқори

лавозимга тайинланаётган, чегара хуудларда хизмат олиб борувчи профилактика инспекторлари бундан мустасно).

**4 боб. Маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани ИИБ ХПБлари ҳамда таянч пунктларида юритиладиган китоблар, уларни юритиш тартиби.**

**Қуйидаги китоблар юритилади:**

маъмурий баённома бланкаларини кирим қилиш ва тарқатиш китоби;

маъмурий назоратга олинганларни қайд қилиш китоби;

профилактика ишини қайд этиш китоби;

профилактика инспекторлари томонидан тайёрланган чиқиш ҳужжатларини қайд этиш китоби.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа китоблар ҳам юритилиши мумкин.

**Масканда қуйидаги китоблар юритилади:**

✓ маъмурий ҳудуд паспорти;

✓ фуқароларни қабул қилиш китоби;

✓ профилактика суҳбатини қайд этиш китоби;

✓ масканга хизматга келган ходимларни қайд этиш китоби;

✓ таянч пунктларига келтирилганларни қайд қилиш китоби.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа китоблар ҳам юритилиши мумкин.

Хизмат ҳудудини ва унинг ўзига хос хусусиятларини таърифловчи, ушбу Низомнинг 11–иловасига мувофиқ юритиладиган «Таянч пунктнинг маъмурий ҳудуд паспорти»га маълумотлар ушбу китоб бўлимларида белгиланган тартибда ва муддатларда киритиб борилади.

Низомнинг 12–иловасига мувофиқ юритиладиган фуқароларни қабул қилиш китобига маълумотлар фуқароларни қабул қилган вақтда киритилади.

Маъмурий ҳудудга хизматга келган соҳавий хизмат ходимлари ва улар томонидан амалга оширилган иш натижалари ҳақидаги маълумотлар ушбу Низомнинг 13–иловасига мувофиқ таянч пунктига хизматга келган ходимларни қайд этиш китобига ёзиб борилади.

Ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этганлар, шахси ноаниқ бўлганлар, назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар таянч пунктига олиб келинганда ушбу шахс ҳақидаги маълумотлар, олиб келинган сана, вақти, сабаби, кўрилган чора ҳамда кўйиб юборилган сана, вақти ушбу Низомнинг 14–иловасига мувофиқ юритиладиган китобга шу вақтнинг ўзида қайд этилади.

Таянч пунктларида ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқиш, расмийлаштириш, уларнинг ижросини назорат қилиш, жўнатиш, профилактика ишларини юритиш, архивга топшириш ва сақлаш борасидаги ишлар профилактика инспекторлари томонидан амалга оширилади.

## АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

### Раҳбарий адабиётлар:

1. Ш.М. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон Стратегияси” – Т., “Ўзбекистон”, 2021. – 457 б.;
2. Ш.М. Мирзиёев “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. – Т., “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.;
3. Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон Давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз» маърузаси. – 2016. – 14 декабрь.
4. Ш.М. Мирзиёев Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 488 б.
5. Ш.М. Мирзиёев “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 48.;
6. Ш.М. Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак” – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.;
7. Ш.М. Мирзиёев “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз”. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
8. Ш.М. Мирзиёев Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2018. – 8 декабрь.
9. Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2018. – 24 декабрь.

### Қонун ва қонуности ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2021.;
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекс. – Т., 2022. – Lex.uz.;
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекс. – Т., 2022. – Lex.uz.;
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс. – Т., 2022. – Lex.uz.;
5. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар

органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонун;

6. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-342-сон қонун;

7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 апрелдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонун;

8. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон қонун;

9. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-445 (янги таҳрири) қонун;

10. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎРҚ-489-сон қонун;

11. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги 2021 йил 5 июлдаги № 699 сонли қонун;

12. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” (янги таҳрири) қонун;

13. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги 532-сонли қонун;

14. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўровонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун;

15. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 29 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010 – №39. 341-м.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-29-сонли фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сонли фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўровонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3-сон қарори;

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3200-сонли қарори;

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрель кундаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сонли қарори;

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони;

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори;

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 июндаги «Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 343-сонли қарори;

24. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2019 йил 28 августдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш ва амалга ошириш борасида иш ҳужжатлари ва уларни юритиш тартиби тўғрисида”ги 255-сонли буйруғи;

25. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 151-сонли буйруғи;

26. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191-сонли буйруғи;

27. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 11 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 181-сонли буйруғи;

28. Ўзбекистон Республикаси ИИВининг 2020 йил 3 февралдаги «Ички ишлар органлари томонидан тазйиқ ва зўронликдан жабрланган хотин-қизларга бериладиган ҳимоя ордерларини қайд этиш ҳамда ахборот алмашиш борасида иш юритиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 51-сонли буйруғи;

29. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 16 майдаги «Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 166-сонли буйруғи.

## МУНДАРИЖА

1. Сўз боши.....	3
2. Маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани фаолиятининг ҳуқуқий асослари.....	5
3. Маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани фаолиятини ташкил этиш тартиби.....	36
4. Маҳалла ҳуқуқ тартибот масканида юритиладиган ҳужжатлар ва масканни моддий техник таъминоти.....	40
6. Адабиётлар.....	44

**ХИДИРОВ ФУРҚАТ ШУКУРУЛЛАЕВИЧ**

**МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИ  
ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

*ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА*

Мухаррир Ф.Б.Матякубова  
Техник муҳаррир Н.З.Тасимов

---

Босишга рухсат этилди \_\_\_\_ 2023 й. Нашриёт-ҳисоб табағи 7,3  
Адади \_\_\_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_\_ Баҳоси шартнома асосида.

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,  
100213, Тошкент шаҳар Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй.